

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ҲАМИДОВА НАРГИЗА ҚОСИМОВНА**

**БОЛАЛАРДА ГИМЕНОЛЕПИДОЗ КЕЧИШИНИНГ КЛИНИК-  
ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология**

**14.00.10 - Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Ҳамидова Наргиза Қосимовна</b> Болаларда гименолипидоз кечишининг клиник-иммунологик хусусиятлари.....	3
<b>Ҳамидова Наргиза Қосимовна</b> Клинико-иммунологические особенности течения геминолипедоза у детей.....	2 1
<b>Khamidova Nargiza Qosimovna</b> Clinical and immunological features of the course of hymenolipidosis in children.....	3 9
..	
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published papers.....	4 3

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ҲАМИДОВА НАРГИЗА ҚОСИМОВНА**

**БОЛАЛАРДА ГИМЕНОЛЕПИДОЗ КЕЧИШИНИНГ КЛИНИК-  
ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология**

**14.00.10 - Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tib2183 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар**

**Нарзуллаев Нуриддин Умарович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Мирзоева Мехринисо Ризоевна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар**

**Мусаходжаева Дилорам Абдуллаевна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Касимова Раъно Ибрагимовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот**

**Иркутск давлат тиббиёт университети**  
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), E-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), E-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилган.  
(2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Ш. Иноятов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н. Казакова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Б.З. Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнги йилларда болалар орасида гименолепидознинг учраш даражаси ошиши кун сайин ўсиб, замонавий инфектологиянинг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...паразитлар орасида ичак гельминтозлари диареядан кейин иккинчи ўринда туриб, уларнинг учраш даражаси йилига 3,5 млрд.дан ортиқ ҳолатни ташкил этади. Гельминтозлар билан зарарланишнинг хавф гуруҳига 5-14 ёшли болалар киритилади. 17 ёшгача бўлган болаларнинг геогельминтоз билан касалланиши турли мамлакатларда 27% дан (Ҳиндистон), 6-7% (Индонезия, Хитой, Нигерия) ва 2-3% гачани (Конго Демократик Республикаси, Танзания ва Филиппин) ташкил қилади...»<sup>1</sup>. Клиник амалиётда паразитологик, иммунологик ва молекуляр-генетик текширув усулларидадан фойдаланган ҳолда гименолепидознинг иммун тизимига таъсирини аниқлаш муҳим. Ушбу патология асосида иккиламчи иммунодефицит шаклланади, бу генетик мойил шахсларда аутоиммун ва ўсма жараёнларининг шаклланишига ёрдам беради.

Жаҳон миқёсида болаларда гельминтозлар гуруҳига кирувчи гименолепидозларнинг ривожланишидаги индивидуал фарқларнинг иммунологик асослари ва унинг натижалари ушбу касалликнинг патогенезида цитокинларнинг аҳамияти, химоя реакциясининг шаклланиши бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Имунокомпетент хужайралар, хусусан В-лимфоцитларга инфекциянинг ўзига хос таъсири, унинг иммуносупрессияни қўзғатиши ва гименолепидоз билан касаллангандан кейин одам организмида узок вақт сақланиб туриши, хужайраларнинг функционал хусусиятларини ўрганишнинг мақсадга мувофиқлигини белгилайди. Шу мунособат билан лейкоцитлар айниқса, лимфоцитларнинг цитокимёвий кўрсаткичлари, юқумли жараённинг фаоллиги, оғирлик даражаси ва оқибати учун сезгир мезон эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Т- ва В-лимфоцитларнинг фаоллигини аниқлаш, қонда цитокин ҳолатини баҳолаш билан хужайравий рецепторларнинг (CD4+, CD8+, CD16+, CD38+, CD95+, CD25+) гименолепидоз касаллигида ифодаланиши эрта ёшдаги болаларда ўтказилмаган.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий химояси ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, болалардаги инфекцион касалликлар, хусусан гельминтозларни даволаш ва профилактикасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган

<sup>1</sup>Ромеро-Кабелло Р., Годинез-Хана Л., Гутьеррес-Кироз М. Клинические аспекты гименолепидоза в педиатрии.. М., 2014. - С.101-105.

дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни бажариш болаларда гименолепидоз касаллигини камайтириш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалланиш кўрсаткичларини ва унинг асоратларини камайтириш имконини берган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган VI. «Тиббиёт ва фармакология».

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Гельминтозлар одамнинг барча аъзо ва тизимларига салбий таъсир кўрсатадиган ўзгаришларга олиб келади. Пакана гижжа иммуносупрессиянинг кўплаб механизмларига эга бўлиб, иммунологик бузилишлар кучайиб бориб, натижада сурункали жараённинг шаклланишига олиб келади

Пакана гижжанинг одам иммун тизимининг миқдорий кўрсаткичларига ва фаолиятига таъсири натижасида яллиғланишга қарши цитокинларнинг таъсир механизмларига таъсир қилади, апоптоз механизмларини блоклайди

Гименолепидоз деярли ҳамма жойда тарқалган бўлиб, лотин Америкаси, Шимолий Африка, Италия, Эрон, Покистон, Афғонистон, Россия Федерацияси, Марказий Осиё мамлакатлари, Молдова, Озарбайжон, Грузия, Арманистон ва Украинада кенг тарқалган. Гименолепидоз билан асосан шаҳар аҳолиси зарарланиши, 4-14 ёшли болалар кўпроқ касалланиши кўрсатиб берилган, бу эса уларда гигиеник кўникмаларнинг етарли даражада эмаслиги ҳамда ёшга оид иммунитет хусусиятлари билан изоҳланади (Бронштейн А.М. ва ҳаммуал., 2012; Cooper P.J. et. al., 2017).

Болаларда гименолепидоз касаллигининг асосий симптомлари қорин соҳасидаги оғриқ, теридаги тошмалар, иштаҳанинг пастлиги, кекириш, кўнгил айниши, қусиш, диарея, тана вазнининг пасайиши, дисбактериоз,

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

бош айланиши, бош оғриши, астения, терида кичишиш, ринит бўлиб ҳисобланади. Кўп ҳолларда болаларда ҳушдан кетиш, миокардиодистрофия, мия шиши, гепатомегалия, анемия ва гиповитаминоз каби асоратлар кузатилиши асосланган (Гаппоева Э.Т. ва ҳаммуал., 2013; Азимова Н.М. ва ҳаммуал., 2014).

Жаҳон илм-фанининг юксак ютуқларига қарамай, болаларда ушбу патологияни даволаш замонавий тиббиётнинг ҳал этилмаган масалаларидан бири бўлиб қолмоқда (Поляков В.Е. ва ҳаммуал., 2016; Архипов И.А. ва ҳаммуал., 2019).

Аниқланишича, XX-аср бошларида Европада ушбу касалликларнинг тарқалиш даражаси аҳоли ўртасида 1,8%, 90-йилларга келиб 4,9%, 2016 йилга келиб эса 9,6% дан 14,2% гача бўлган кўрсаткични ташкил этди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра бугунги кунга келиб бу кўрсаткич турли давлатларда 12% дан 20% гача, баъзи мамлакатларда эса 50% гача аҳолида паразитар касалликларидан бири гименолепидозга хос бўлган клиник белгилар мавжуд бўлиб, аҳоли орасида тарқалиш даражаси бўйича 2-ўринни эгаллайди (Белименко В.В. ва ҳаммуал., 2016; Бекиш Я.Л. ва ҳаммуал., 2017).

Ўзбекистонда болалар орасида барча паразитар касалликларнинг 18,7% ини гименолепидоз ташкил этади (Нуртаева К.С., 2017). Бу касалликлар одам ҳаётига хавф солмасида, бемор болалар ҳаёт сифатининг ёмонлашишига олиб келади (Побяржин В.В. ва ҳаммуал., 2013; Бекиш Я.Л. ва ҳаммуал., 2017).

Кўп сонли тадқиқотлар ва йиғилган клиник тажрибага қарамай, бир нечта ишлардагина гименолепидоз клиникаси ва кечишининг хусусиятлари, иммун тизимида бўладиган ўзгаришларга боғлаб ёритилган (Абдиев Ф.Т. ва ҳаммуал., 2017). Гименолепидоз билан касалланган илк болалик ёшидаги болаларда организм токсикози ва эксикозининг клиник намоён бўлишининг турли туманлигини изоҳловчи маълумотлар кам. Юқоридагилардан келиб чиқиб, болаларда гименолепидоз касаллигини ўз вақтида ташхислаш, оптимал даволаш схемасини ишлаб чиқиш ва асослаш, амалий соғлиқни сақлаш тизими учун долзарб деган хулосага келинган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг (05.2022 PhD 163) илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)» доирасида олиб борилган.

**Тадқиқот мақсади** болаларда гименолепидоз касаллигининг клиник-иммунологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда шу асосда даволашнинг оқилона схемаларини ишлаб чиқишдан иборат бўлган.

**Тадқиқот вазифалари:**

болаларда гименолепидоз касаллигининг учраш даражаси ва клиник кўринишларининг кечиш хусусиятларини аниқлаш;

гименолепидоз билан зарарланган болаларнинг иммун тизимининг хужайравий ва гуморал омиллариини ўрганиш, цитокин статусининг касаллик клиник белгилари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

гименолепидоз кузатилган болаларда иммун ва цитокин статусларни баҳолаш асосида иммунодиагностиканинг муқобил мезонларини ишлаб чиқиш;

гименолепидоз билан зарарланган болаларда иммунотерапиянинг оқилона алгоритмини ишлаб чиқиш ва унинг иккиламчи иммунодефицитда таъсир самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 2019-2022 йиллар давомида Бухоро вилоят болалар юкумли касалликлар шифохонаси бўлимларида даволанган 114 нафар бемор болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** болалар қони, қон зардоби, нажаси, клиник, иммунологик ҳамда биокимёвий кўрсаткичлар бўлган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотни бажаришда клиник, биокимёвий, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор гименолепидоз ташҳисланган болаларда касалликнинг озиш, ўсишдан қолиш, терида қичиш, асабга боғлиқ ихтиёрсиз ҳаракатлар каби клиник кўринишлари билан иммун ва цитокин статусларининг асосий кўрсаткичлари орасида тўғри пропорционал боғлиқлик борлиги исботланган;

гименолепидоз кузатилган беморлар иммун ва цитокин статусларини баҳолаш асосида қондаги CD3+-, CD4+-, CD8+-, CD16+-лимфоцитлар, ИРИ, қон зардобида IL-4, ИФН-γ каби кўрсаткичлар иммунодиагностиканинг муқобил мезонлари сифатида кўрсатилган;

ушбу паразитар касаллик билан касалланган болаларни анъанавий даволаш мажмуига иммунал-иммунокоррекцияловчи препаратининг киритилиши касалликнинг кечиши, унинг клиник кўринишларининг пасайиши, организмнинг иммун ва цитокин статусларидаги иккиламчи иммунодефицитни бартараф этиб, ушбу кўрсаткичларнинг меъёрлашувига олиб келганлиги кўрсатиб берилган;

гименолепидоз кузатилган болаларни даволаш бўйича анъанавий даволаш ва иммункоррекцияловчи препарат ишлатиш бўйича ишлаб чиқилган алгоритм тавсия этилган мажмуавий давони оптималлаштириши ва даволаш самарадорлигини ишонарли даражада ошириши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

гименолепидоз ташҳисланган болаларни даволаш мажмуасига иммунал-иммунокоррекцияловчи препаратининг киритилиши даволаш самарадорлигини ишонарли ошириши кўрсатилган, бу эса амалий соғлиқни сақлашда фойдаланиш учун муҳим тавсия сифатида кўрсатилган;

ушбу бемор болаларда касалликнинг асосий клиник кўринишлари билан уларнинг организмида иммун ва цитокин статусларининг асосий кўрсаткичлари орасида узвий боғлиқлик борлиги касалликнинг иммунташҳисоти учун муҳим эканлиги кўрсатиб берилган;



гименолепидоз билан зарарланган болаларда иккиламчи иммунодефицит ҳолати кузатилганда касалликни эрта ташҳислаш ва мажмуавий даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги амалий соғлиқни сақлаш учун муҳимлиги кўрсатиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотларда бир бирини тўлдирувчи олинган натижалар ва назарий усуллар қўлланилиши, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморларнинг етарли миқдори, чет эл ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг натижалари билан солиштирилиши, шунингдек олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан берилган хулосалар билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гименолепидоз ташҳисланган болаларда касалликнинг озиш, ўсишдан қолиш, терида кичиш, асабга боғлиқ ихтиёрсиз ҳаракатлар каби клиник кўринишлари билан иммун ва цитокин статусларининг асосий кўрсаткичлари орасида тўғри пропорционал боғлиқлик борлиги исботланганлиги, уларда иммун ва цитокин статусларини баҳолаш асосида қондаги CD3+-, CD4+-, CD8+-, CD16+-лимфоцитлар, ИРИ, қон зардобида IL-4, ИФН-γ параметрлари иммунташҳисотнинг муқобил мезонлари сифатида кўрсатилганлиги, анъанавий даволаш мажмуига-иммунал препаратининг киритилиши касалликнинг кечиши, унинг клиник кўринишларининг пасайиши, организмнинг иммун ва цитокин статусларидаги иккиламчи иммунодефицитни бартараф этиб, ушбу кўрсаткичларнинг меъёрлашувига олиб келганлиги кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гименолепидоз аниқланган болаларни даволаш мажмуига иммунал препаратининг киритилиши даволаш самарадорлигини ишонарли оширганини кўрсатган, бу эса амалий соғлиқни сақлашда фойдаланиш учун муҳим тавсия сифатида кўрсатилганлиги, бемор болаларда касалликнинг асосий клиник кўринишлари билан улар организми иммун ва цитокин статуслари асосий кўрсаткичлари орасида узвий боғлиқлик борлиги исботланганлиги, иккиламчи иммунодефицит ҳолати кузатилганда касалликни эрта ташҳислаш ва мажмуавий даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги амалий соғлиқни сақлаш учун муҳимлиги кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг тадбиқ этилиши.** Болаларда гименолепидоз кечишининг клиник-иммунологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

гименолепидоз билан зарарланган болаларда иммун статусини аниқлаш имконини берувчи «Гименолепидоз билан зарарланган болаларда иммун ва цитокин ҳолатини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 26 май 2022 йилдаги 8н-р/515-сонли хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома гименолепидоз билан зарарланган болаларнинг периферик қонида хужайравий, гуморал ва цитокин кўрсаткичларининг ҳолатини баҳолаш имконини берган;

олинган натижалар амалий соғлиқни сақлашга, жумладан, Бухоро

вилоят болалар юқумли касалликлар шифохонаси, Когон туман тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 16 июн 2022 йилдаги 8н-з\300-сонли хулосаси). Жорий қилинган натижалар болаларда гименолепидозни эрта ташхислашни, патогенетик даволашни оптималлаштириш имконини берган, касаллик асоратларини камайтирган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида тақдим этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш чоп этилган, улардан 10 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган журналларда, шу жумладан 7таси республика ва 3 таси чет эл журналларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилиб, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Ичак гельминтозларининг (гименолепидоз) клиник-иммунологик тавсифининг замонавий талқини (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида гименолепидоз билан зарарланган болаларда, ушбу патологиянинг муаммолари бўйича назарий жиҳатлар таҳлил қилинган ва тадқиқотлар тизимлаштирилган, касалликнинг ташхисоти ва олдини олишнинг мавжуд усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган. Гименолепидоз билан касалланган болаларда иммун тизимининг бузилишлари ва клиник-лаборатор тадқиқотлари сурункали яллиғланиш касалликлари ривожланишига олиб келиши мумкинлиги, бу бола организми ривожланишига таъсир қилиши, шунингдек, ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган ёки тушунтиришни талаб қиладиган жиҳатлари аниқланган.

Диссертациянинг **«Гименолепидоз билан касалланган болаларда**

**тадқиқот усуллари ва материалларнинг клиник хусусиятлари»** деб номланган иккинчи бобида клиник тадқиқотнинг материаллари ва усулларининг умумий тавсифи берилган. Текширув маълумотлари ва 2019-2022 йиллар давомида гименолепидоз касаллиги билан зарарланган 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 114 нафар болаларни ташхислаш ва даволаш натижалари таҳлил қилиниб, назорат гуруҳида 40 нафар амалий соғлом болалар текширилган. Барча назоратга олинган бемор болалар клиник ва лаборатор, биокимёвий, иммунологик тадқиқотларни ўз ичига олган кенг қамровли давомли текширувдан ўтказилган. Бу борада уларнинг шикоятлари, ўтказган ва ҳамроҳ касалликлари, преморбид кўриниши, касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, давомийлиги, эрта даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигига эътибор қаратилган.

Тадқиқот натижаларига кўра 700 нафар гименолепидоз билан зарарланган бемор болалар ретроспектив таҳлил қилиниб, шулардан 114 нафар бемор болалар проспектив таҳлил қилинган ва барчаси тадқиқотнинг асосий гуруҳини ташкил этган. Асосий гуруҳнинг 76(66,6%) нафарини қишлоқда яшовчи болалар, 38(33,4%) нафарини эса шаҳарлик болалар ташкил этган.

Бола организмнинг иммунологик реактивлигини динамикада ўрганиш мақсадида 47 нафар бола ушбу тадқиқотга жалб қилиниб, шулардан 22 нафари гименолепидоз кузатилган болалар анъанавий даволанган бўлса, 25 нафар гименолепидоз билан зарарланган болалар анъанавий ва иммунстимуляцияловчи давони (иммунал) қабул қилган болалардан ташкил топган.

Паразитологик текшириш усуллари, лаборатор текшириш усулларининг макро-микроскопик ташхисот усулларида иборат бўлиб, бу гельминтлар фрагментлари, тухуми ва личинкаларини аниқлашнинг бевосита усулидир; патоген содда жониворларнинг вегетатив ва циста кўринишлари, уларни аниқлашнинг билвосита тадқиқот усуллари сифатида қўлланилган. Барча микроскопик текшириш усуллари кўрсатмалар асосида амалга оширилган. Консервантлардан ичак паразитозлари ва гельминтлар учун нажасни текширишнинг комплекс усулидан фойдаланиб, ичак паразитозларининг содда жониворлар томонидан чақирилган ва гельминтларни аниқлашда универсал ташхислаш усулидан фойдаланилган. Бу усулнинг асосида КТ-ФЭО-МЦН «ташхисот тизими» ётади: бунда Турдиев консерванти, формалин-эфирли бойитилган, Циль-Нильсеннинг модификацияланган бўйлаш усулидан фойдаланилган.

Иммун ҳолатни баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иммунология ва одам геномикаси институтида олиб борилган. Лимфоцитлар дифференцировкасининг (CD) асосий кластерларига моноклонал антителолардан фойдаланган ҳолда иммун тизимининг хужайравий ва гуморал компонентларини таҳлил қилиш амалга оширилган.

Иммунал/Immunal («SANDOZ», d.d., Словения) - ўсимлик хомашёсидан тайёрланган иммун тизими фаолиятини кучайтирувчи препарат. Иммунал таблеткаларининг таъсир этувчи моддаси гуллаётган

эхинацея пурпура ўсимлигининг янги йиғилган ўтидан олинган қуритилган шарбати ҳисобланади (*Echinacea purpurea* (L) Moench). Препарат томчи кўринишида 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларда 1,5 млдан суткасига 3 маҳал, 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларда 1млдан суткасига 3 маҳал 1 ҳафта давомида берилган.

Тадқиқотдан олинган маълумотлар шахсий компьютерда статистик ишланиб, Microsoft Office Excel-2013 дастурий пакетлари ёрдамида бажарилган. Вариацияланган параметрик ва нопараметрик статистика ўрганилаётган ўртача арифметик кўрсаткични (M) ҳисобга олиб, ўртача квадратик оғишма ( $\sigma$ ), стандарт ўртача хато (m), ўртача нисбий катталиқ (частота, %) усулидан фойдаланилган. Ўртача катталиқлар таққосланганда олинган ўлчамлар статистик миқдори Стьюдент (t) мезони бўйича, хатолар эҳтимоли ҳисоби (P) тақсимлашнинг нормаллигини текширишда ва бош дисперсия тенглиги (F - Фишер мезони бўйича) аниқланган. Ўзгаришнинг ишончлилиқ даражаси  $P < 0,05$  дан фойдаланилган.

Диссертациянинг «Гименолепидоз билан зарарланган болаларда организмнинг клиник-лаборатор ва иммун ҳолати» деб номланган учинчи боби текширилган бемор болаларнинг клиник, лаборатор ва иммунологик хусусиятларига бағишланган.

Илмий иш Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонаси, Когон туман тиббиёт бирлашмасида ва «Акмал-стимул» МЧЖга қарашли «Амал» клиникасида олиб борилган.

Ўрганилган 114 нафар назорат остига олинган гименолепидоз билан зарарланган болаларнинг 61(53%) нафарида касалликнинг ўрта оғир даражада кечганлигининг гувоҳи бўлинган (1-жадвал), бемор болаларнинг 39(35%) нафарида касалликнинг оғир даражаси кузатилган.

### 1-жадвал

#### Гименолепидоз билан зарарланган болаларнинг ёши ва жинсига кўра касалликнинг кечишининг оғирлик даражасининг тақсимланиши

Касалликнинг кечиш оғирлиги	Беморлар ёши						Умумий (n=114)	
	3 ёшдан 7 ёшгача (n=45)		8 ёшдан 12 ёшгача (n=51)		13 ёшдан 18 ёшгача (n=18)			
	мут	%	мут	%	мут	%	мут	%
Енгил даража	4	3,5	6	5,0	4	3,5	14	12,0
Ўрта оғир даража	24	21	29	25,0	8	7,0	61	53,0
Оғир даража	17	15	16	14	6	5,2	39	35

Болаларда ушбу патологияда касалликнинг енгил даражасида қоринда оғриқ 4(28,5%) нафар, ўрта оғир даражасида 28(45,9%) нафар, оғир даражасида 38(97,4%) нафар бемор болаларда кузатилган. Асабийлашиш касалликнинг енгил даражасида 3(21,4%) нафар, ўртача оғирлик даражасида 19(31,1%) нафар, оғир даражасида 28(71,1%) нафар бемор болаларда кузатилган. Асабга боғлиқ ихтиёрсиз ҳаракатлар мос равишда 4(28,5%), 18(29,5%) ва 26(66,6%) нафар, тунги энурезлар мос равишда 5(35,7%), 12(19,6%) ва 16(41%) нафар, тиш қайириш мос равишда 6(42,8%), 9(14,7%) ва 15(38,4%) нафар, озиш мос равишда 8(57,1%), 25(40,9%) ва 36(92,5%) нафар

болаларда учраган. Бошқа клиник симптомлар ҳам касаллик кечиш оғирлигига мос учраш тенденциясини намоён қилган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Гименолепидоз ташҳисланган болаларда клиник симптомларнинг касаллик кечишининг оғирлик даражаси бўйича тақсимланиши

Клиник симптомлар	Енгил даража, n=14		Ўрта оғир даража, n=61		Оғир даража, n=39		$\chi^2$		P	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%				
Қоринда оғриқ	4	28,5	28	45,9	38	97,4	$\chi_{12}$	1,40	P <sub>1</sub>	0,237
							$\chi_{22}$	29,70	P <sub>2</sub>	0,0001
							$\chi_{32}$	28,16	P <sub>3</sub>	0,0001
Асабийлашиш	3	21,4	19	31,1	28	71,7	$\chi_{12}$	0,52	P <sub>1</sub>	0,471
							$\chi_{22}$	10,76	P <sub>2</sub>	0,001
							$\chi_{32}$	15,78	P <sub>3</sub>	0,001
Асабга боғлиқ ихтиёрсиз ҳаракатлар (ТИК)	4	28,5	18	29,5	26	66,6	$\chi_{12}$	0,00	P <sub>1</sub>	0,945
							$\chi_{22}$	6,09	P <sub>2</sub>	0,014
							$\chi_{32}$	13,33	P <sub>3</sub>	0,0001
Кечқурунги энурезлар	5	35,7	12	19,6	16	41	$\chi_{12}$	1,67	P <sub>1</sub>	0,196
							$\chi_{22}$	0,12	P <sub>2</sub>	0,727
							$\chi_{32}$	5,38	P <sub>3</sub>	0,020
Тиш қайиришлар	6	42,8	9	14,7	15	38,4	$\chi_{12}$	5,62	P <sub>1</sub>	0,018
							$\chi_{22}$	0,08	P <sub>2</sub>	0,773
							$\chi_{32}$	7,33	P <sub>3</sub>	0,007
Озиш	8	57,1	25	40,9	36	92,3	$\chi_{12}$	1,21	P <sub>1</sub>	0,272
							$\chi_{22}$	9,04	P <sub>2</sub>	0,003
							$\chi_{32}$	26,34	P <sub>3</sub>	0,0001
Ўсишдан қолиш	8	57,1	21	34,4	28	71,7	$\chi_{12}$	2,48	P <sub>1</sub>	0,115
							$\chi_{22}$	1,02	P <sub>2</sub>	0,314
							$\chi_{32}$	13,29	P <sub>3</sub>	0,0001
Терида қичишишлар	7	50	23	37,7	29	74,3	$\chi_{12}$	0,72	P <sub>1</sub>	0,397
							$\chi_{22}$	2,81	P <sub>2</sub>	0,094
							$\chi_{32}$	12,81	P <sub>3</sub>	0,0001
Гепатомегалия	-	-	8	13,1	20	51,2	$\chi_{12}$	2,06	P <sub>1</sub>	0,152
							$\chi_{22}$	11,53	P <sub>2</sub>	0,001
							$\chi_{32}$	17,19	P <sub>3</sub>	0,0001
Спленомегалия	-	-	5	8,1	8	20,5	$\chi_{12}$	1,23	P <sub>1</sub>	0,268
							$\chi_{22}$	3,38	P <sub>2</sub>	0,066
							$\chi_{32}$	3,19	P <sub>3</sub>	0,074

Эслатма: P<sub>1</sub>, P<sub>2</sub>, P<sub>3</sub> – мос равишда енгил, ўртача оғирликда ва оғир беморларнинг кўрсаткичларидаги фарқларнинг аҳамияти.

Гименолепидоз кузатилган болаларда биокимёвий таҳлилларнинг касалликнинг енгил кечиш даражаси бўйича ўртача таҳлил (n=14) натижаларига кўра, кўрсаткичларда патологик ўзгаришлар аниқланмаган. Ушбу нозологик birlikнинг ўрта оғир даражасида биокимёвий параметрлар меъёрдан ошиб кетган. Касаллик кечишининг оғир даражасида эса қондаги биокимёвий кўрсаткичларнинг барчаси ишонарли ошган, жумладан АЛТ миқдори ишонарли даражада 1,8 мартага кўпайган ( $p<0,001$ ). Бу ҳолат инфекция жараённинг барча ички аъзоларга ўзининг токсик таъсирини кўрсатаётганлигидан далолат берган.

Гименолепидоз ташхисланган болаларда иммун тизимини регуляция қилувчи ва химоя функцияларининг бузилиши патологик жараённинг клиник кўринишида ўзига хос из қолдиради. Шу муносабат билан касалликнинг ўрта оғир ва оғир даражадаги кечишида организм иммун ҳолати хусусиятлари ўрганилган. Ушбу беморлар иммун тизимининг Т-бўғини ва табиий киллерлар параметрларини ўрганиш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Гименолепидоз билан зарарланган болаларда лейкоцитлар ўртача миқдори назорат гуруҳи қийматларига нисбатан юқори бўлганлиги аниқланган ( $p<0,01$ ). Афтидан, аниқланган лейкоцитоз тизимли яллиғланиш мавжудлигига ишора бўлган. Периферик қондаги лимфоцитлар нисбий миқдори пасайишга мойил бўлган, лекин ишонарли фарқланмаган.

Асосий гуруҳ болаларида CD3+-лимфоцитлар нисбий миқдори назорат гуруҳи қийматларидан ишонарли даражада паст бўлган ( $p<0,05$ ), мутлақ қийматларида ҳам ишонарли ўзгаришлар кузатилган. CD4+-лимфоцитларнинг 1,2 мартага камайгани аниқланган ( $p<0,05$ ). Лейкоцитлар юқори қийматлари туфайли CD4+-лимфоцитлар мутлақ сони ортишга мойил бўлган. Афтидан, бу лимфоцитларнинг етарлича мавжудлиги, лекин шу фонда CD4+-лимфоцитлар субпопуляцияси пасайиши билан боғлиқ бўлган.

CD4+/CD8+ нисбатининг (иммунорегулятор индекс - ИРИ) асосий гуруҳ болаларида 0,97 дан 1,13 birlik оралиғида бўлган, ушбу кўрсаткич бўйича ишонарли ўзгариш аниқланмаган. Шундай қилиб, ривожланган Т-иммунодефицит CD4+-хужайралар миқдорий ва нисбий кўрсаткичларининг танқислиги билан боғлиқ.

### 3-жадвал

#### Гименолепидоз бўлган болалар иммун тизимининг Т-бўғини ва табиий киллерлар параметрларини ўрганиш натижалари (M±m)

Имунологик параметрлари	Назорат гуруҳи, n=15	Асосий гуруҳ, n=47	P
Лейкоцитлар, 1 мкл қонда	5410±62,9	7300±29,49	<0,001
Лимфоцитлар, %	41,5±0,27	40,7±0,15	<0,05
Лимфоцитлар, 1 мкл қонда	2241±0,38	2896,7±0,04	<0,001
CD3+-лимфоцитлар, %	53,1±0,06	47,4±0,03	<0,001

CD3+-лимфоцитлар, 1 мкл қонда	1190,3±0,04	1371,6±0,04	<0,001
CD4+-лимфоцитлар, %	27,6±0,04	22,4±0,005	<0,001
CD4+-лимфоцитлар, 1 мкл қонда	618,5±0,004	647,7±0,05	<0,001
CD8+-лимфоцитлар, %	24,4±0,04	23±0,02	<0,001
CD8+-лимфоцитлар, 1 мкл қонда	546,8±0,04	667,4±0,124	<0,001
ИРИ	1,1±0,004	0,9±0,005	<0,001
CD16+-лимфоцитлар,%	15,2±0,04	18,9±0,005	<0,001
CD16+-лимфоцитлар, 1 мкл қонда	340,6±0,05	546,3±0,003	<0,001

Асосий гуруҳ болаларида CD16+-хужайралар миқдори  $18,86\pm 0,78\%$  ни ташкил этган бўлса, бу назорат гуруҳи қийматларидан ( $15,20\pm 1,60\%$ ) 1,2 мартага кўп бўлган, ушбу кўрсаткичнинг мутлақ миқдори ҳам асосий гуруҳда назорат гуруҳи қийматларига нисбатан ишонарли даражада юқори бўлганлиги кўрсатилган ( $P<0,05$ ). CD16+-хужайралар экспрессиясининг бундай ошиши инфекцион агентнинг мавжудлиги, унга жавобан CD16+-лимфоцитларнинг етилмаган шакллариининг кескин ошиши билан изоҳланади.

Болаларнинг асосий гуруҳида қон зардобидаги иммуноглобулинларнинг асосий синфлари миқдорий ортишига мойиллик кузатилган, аммо гуруҳлараро тафовут кузатилмаган. Натижада IgG:IgM нисбати ишонарли ўзгармай, IgA:IgM нисбати асосий гуруҳда сезиларли ошгани аниқланган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Гименолипедоз ташхисланган болаларнинг қон зардобидаги иммуноглобулинларнинг бир бирига нисбатларининг кўрсаткичлари, бирлик

Нисбатлар кўрсаткичлари	Назорат гуруҳи	Асосий гуруҳ
IgG : IgM	0,88	0,9
IgA:IgM	0,8	1,14

Шундай қилиб, асосий гуруҳ болаларида иммун тизимининг гуморал бўғинида сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган.

Лимфоцитлар фаоллашуви белгиларининг қийматлари ўрганилганда, асосий гуруҳда CD25+-хужайралар нисбий сонини таҳлил қилиш назорат гуруҳи қийматлари билан таққослашда жиддий фарқларни кўрсатган. Асосий гуруҳ болаларида кечки активация маркёрлари CD95+-хужайраларнинг таҳлили яллиғланиш бор беморлар гуруҳидаги ҳаққоний фарқларни аниқлаган, CD95+-лимфоцитлар нисбий сони назорат гуруҳига нисбатан камайган эди ( $p<0,05$ ). CD95+-хужайралар мутлақ қийматлари таҳлили назорат гуруҳи қийматларига нисбатан ишонарли пасайишни аниқлашга имкон берган. Яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар яллиғланиш жараёнларини назорат қилиши маълум, ИФН-γ ва IL-4 каби цитокинлар яллиғланиш ва иммун жавобларнинг амплитудаси ва

давомийлигини тартибга солувчи ўзига хос иммун жавобни тартибга солишда иштирок этади.

Гименолепидоз кузатилган болаларда яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар бўйича маълумотлар 5-жадвалда келтирилган.

#### 5-жадвал

#### Гименолепидоз ташҳисланган болалар қон зардобдаги яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар ҳолати ( $M \pm m$ )

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи	Асосий гуруҳ	P
ИФН- $\gamma$ , пг/мл	23,70 $\pm$ 5,38	82,80 $\pm$ 25,07	<0,05
IL-4, пг/мл	10,95 $\pm$ 3,65	86,08 $\pm$ 25,72	<0,01

Олинган натижалар таҳлили назорат ва асосий гуруҳ болаларидаги қийматлар ўртасидаги ҳаққоний фарқларни кўрсатган. Масалан, соғлом болаларда ИФН- $\gamma$  даражаси 23,70 $\pm$ 5,38 пг/мл ни, асосий гуруҳ болаларида ушбу кўрсаткич 82,80 $\pm$ 25,07 пг/мл ни ташкил этган. Шундай қилиб, асосий гуруҳдаги болаларда ИФН- $\gamma$  даражаси 3,5 марта ошган, бу эса яллиғланиш жараёнининг кучлилигидан далолат берган.

Назорат гуруҳи болаларида IL-4 даражаси ўрганилганда у 10,95 $\pm$ 3,65 пг/мл ни, асосий гуруҳ болаларида эса у 86,08 $\pm$ 25,72 пг/мл ни ташкил этган. Бунда яллиғланишга қарши цитокин IL-4 нинг даражаси 7,9 мартага ошган.

Цитокин профили ҳолатидаги қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, ИФН- $\gamma$ , IL-4 нисбати соғлом болалар гуруҳида 2,2 қийматни ташкил этган. Асосий гуруҳдаги каби кучли яллиғланиш жараёни мавжуд бўлганда ушбу кўрсаткич 0,96 га тенг бўлган. Афтидан, асосий регулятор цитокинлар ҳолатидаги кучли ифодаланган дисбалансни кузатилган, у ўткир яллиғланиш ҳолатларининг асосий регуляторлари бўлган яллиғланишга қарши цитокинларнинг кескин ортиши ва яллиғланиш олди цитокинларнинг камайишида ифодаланган.

Диссертациянинг «Гименолепидоз билан зарарланган болаларда даволаш-профилактика тадбирлари сифатини оширишга бўлган ёндашувнинг клиник-иммунологик мезонлари» деб номланган тўртинчи боби текширилаётган бемор болаларда иммун тизимининг кўрсаткичларининг иммунокоррекциядан кейинги ҳолатини ўрганишга бағишланган. Тадқиқотларда гименолепидоз ташҳисланган болалар иммун ҳолатида сезиларли салбий ўзгаришлар аниқлаганлиги сабабли, ушбу болаларда иммунотроп даволанишдан кейин хужайравий ва гуморал иммунитет ҳолатини анъанавий даволанганлар билан солиштириб, ўрганиш катта қизиқиш уйғотади. Иммунокорректор сифатида иммунал препаратидан фойдаланилган.

Текширувдан ўтган бемор болалар қуйидагича бўлинган: гименолепидоз билан зарарланган болалар даволашдан олдин ( $n=47$ ); анъанавий терапия ( $n=22$ ) ва анъанавий терапия комплексига иммуномодулятор сифатида иммунал препаратидан фойдаланилган болалар ( $n=25$ ) гуруҳи (6-жадвал).



**Гименолепидоз билан зарарланган болаларда давогача ва ундан кейин  
иммун тизим ҳужайравий тизим кўрсаткичлари (M±m)**

Иммунологик кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=15	Давогача, n=47	Анъанавий даводан кейин, n=22	Иммункор-ригирловчи даводан кейин, n=25
Лейкоцитлар, 1 мкл қонда	5500±172	7300±492	5984±315 <sup>^</sup>	4984±203 <sup>*^⊙</sup>
Лимфоцитлар, %	41,50±0,75	40,72±1,19	38,74±1,65	36,20±0,97 <sup>*^</sup>
Лимфоцитлар, 1 мкл қонда	2282±41	2972±87	2318±99 <sup>^</sup>	1804±48 <sup>*^⊙</sup>
CD3 <sup>+,-</sup> , %	53,10±2,47	47,40±1,05	48,82±1,79	50,28±0,99 <sup>^</sup>
CD3 <sup>+,-</sup> , 1 мкл қонда	1212±56	1409±31	1132±41 <sup>*^</sup>	907±18 <sup>*^</sup>
CD4 <sup>+,-</sup> , %	27,60±1,51	22,36±0,93	22,85±0,83 <sup>*</sup>	26,56±0,73 <sup>^⊙</sup>
CD4 <sup>+,-</sup> , 1 мкл қонда	630±34	665±28	530±19	479±13 <sup>*^⊙</sup>
CD8 <sup>+,-</sup> , %	24,40±1,52	23,04±0,70	23,88±0,88	24,28±0,96
CD8 <sup>+,-</sup> , 1 мкл қонда	557±35	685±21	554±20	438±17 <sup>*^⊙</sup>
ИРИ	1,13±0,06	0,97±0,06	0,96±0,07	1,09±0,06 <sup>^</sup>
CD16 <sup>+,-</sup> , %	15,20±1,60	18,86±0,78	16,24±0,77 <sup>^</sup>	13,16±0,85 <sup>^⊙</sup>
CD16 <sup>+,-</sup> , 1 мкл қонда	347±36	560±23	376±18 <sup>^</sup>	237±15 <sup>*^⊙</sup>

Эслатма: \* - назорат гуруҳи маълумотлари билан солиштирилганда ишонарли даражада, ^ - даволашдан олдинги гуруҳ маълумотлари билан солиштирилганда, ⊙ - анъанавий терапиядан кейинги маълумотлар билан солиштирилганда (P<0,05).

Даволашдан кейин гименолепидоз билан зарарланган болаларда тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, даволанишдан олдинги қийматларга қараганда лейкоцитлар умумий сонининг сезиларли даражада камайиши аниқланган (p<0,05). Бу кўрсаткич меъёр қийматига яқинлашган.

Даволашдан сўнг периферик қондаги барча лимфоцитларнинг нисбий ва мутлақ сонининг ўртача қиймати пасайиб, 1 мкл учун мос равишда 36,20±0,97 ва 1804±48 ни ташкил этган, даволашдан олдин эса бу кўрсаткич 40,72±1,19 ва 2972±87 ни ташкил этган эди (p<0,05).

